



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ**

2018 йил “10” октябрь № 830

Тошкент ш.

**Олий таълим муассасаси
профессор-ўқитувчилар таркибининг
ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий,
илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд”
ишларини белгилаш қоидалари
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда №3076 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйруғи ижросини бажариш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошликлари, вазирлик тизимидағи ташкилот ва марказлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда №3076 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда №3076 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйруғини ижроиларга етказиш ҳамда унинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли

Ўртасида тушунтириш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиков)га 3 кун муддатда мазкур “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари” (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади)нинг мазмун-моҳиятини олий таълим муассасалари ўкув ишлари бўйича проректор (филиаллар директорининг ўкув ишлари бўйича ўринбосар)ларига етказиш юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

“Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари” ва унинг иловалари мазмун-моҳияти билан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини таништириш чора-тадбирларини кўриш;

мазкур Қоидаларни олий таълим муассасалари сайтига жойлаштириш, факультет ва кафедралар эълонлар доскаларига илиб қўйиш ҳамда Қоидалар бўйича саволлар юзасидан аниқ тушинча ва маслаҳатлар бериш;

олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини мазкур Қоидалар асосида 2018/2019 ўкув йилидан жорий этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдирман.

Вазир

И.Маджидов





Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-коидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адмия вазирлиги томонидан 20-2018-сон бўйрунда №3076 кайд ахоли ўргасида тушунтириш бўйича

“ЙУЛ ХАРИТАСИ”

T/p	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми ва боскичлари	Хар бир механизмини амалга ошириш муддатлари	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси хамда ўкув-услубий, иммий-тадқикот, ташкилий ва “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш коидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адмия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октабрда №3076 кайд раками билан давлат рўйхатидан идораётарга электрон шаклда юбориши.	1. Белгилаб олинган рўйхат бўйича буйрукни тизимдаги барча ташкилотларнинг расмий электрон почта манзилларига юбориши. 2. Юборилган буйрукнинг ижрочиларга етиб боргтанигини аниқлаштириш ва кайд килиш.	Келиб тушган куннинг ўзида Шу куннинг ўзида	Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги Девонхона, Назорат ва мониторинг бошкармаси
2.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси хамда ўкув-услубий, иммий-тадқикот, ташкилий ва “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш коидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адмия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октабрда №3076 кайд раками билан давлат рўйхатидан сайтига жойлаштириши.	1. Буйрукни тегишли форматга ўтказиш. 2. Буйрукни расмий веб-сайтiga жойлаштириши. 3. Расмий веб-сайтга жойлаштирилган буйрукни назорат холатини текшириб туриш.	Буйруқ расман эълон килингандан сўнг бир кун инида Доимий	Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошкармаси

3.	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси хамда ўкув-услубий, илмий-таджикот, ташкилий ва “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш коидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адмия вазирлиги томонидан 2018 октябрда №3076 кайд, раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйруғининг аҳамиятига караб тарғибот материаллари тўпламини яратиш, уни кенг фойдаланувчилар учун «Жаҳон» ахборот тизимдаги ва бошқа манбаатдор ташкилотларга етказиб бериш.	1. Ахборот-таҳлилий материаллардан фойдаланган холда хужжаглар тўшамини (маъруза матни, тақдимот, аннотация, инфографика, схема ва х.к.) тайёрлаш. 2. Тарғибот материаллари тўпламини тизимидағи ташкилотларга етказиб бериш. 3. Буйруқнинг мазмун-моҳиётини тушунтиришга каратилган материаллар матнини, заруратга кўра рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржима килиш, тарғибот материаллари тўпламини яратиш, уни кенг фойдаланувчилар учун «Жаҳон» ахборот тизимдаги ва бошқа манбаатдор ташкилотларга етказиб бериш.	Бўйруқ кабул килингандан сўнг 3 кун ичида	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати
4.	Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва марказий ва худудий матбуот анжуманларини ўтказиш.	1. Матбуот анжумани хакида расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар орқали журналистларни хабардор килиши. 2. Матбуот анжуманини ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларига тайёрланған тарбибот материаллари тўпламини тақдим этиш. 3. Матбуот анжуманини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.	Бўйруқ кабул килингандан сўнг 3 кун ичида Бўйруқ кабул килингандан сўнг 1 хафта ичида	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати, Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик таъминлаш бош бошкармаси, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар
5.	Давлат органлари ва ташкилотлар хамда уларнинг худудий идораларida «Хўкукий билимлар» ўкув машгулотларини жорий этиш, малакали мутахассислар, олимлар, эксперларни жалб эттан холда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш коидаларини ташкилий ва ташкилотларни ўтказишини ташкилий ва ташкилаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси №3076 кайд, раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйруғини ва ахборот тахлилий материалларнинг ўқиб ўрганилигинни ташкил этиш.	1. Чораклик «Хўкукий билимлар» ўкув машгулотларини ўтказиш графиқларини тасдиқлаш. 2. Графика асосан малакали мутахассислар, олимлар, эксперларни жалб этган холда ўкув машгулотини ўтказиш.	Хар чоракча Графика асосан	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ахборот хизмати, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар

6.	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқламаси хамда ўкув-услубий, илмий-тадқикот, ташкилий ва “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш коидаларини тасдиқлаш түргисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда №3076 кайд раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйргу кабул килинганидан кейин унинг изкорсини ташкил этиши, ижрочиларга етказиш ва ахоли ўргасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда №3076 кайд раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйргу кабул килинганинг мажудиёти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича худудий ва республика, хукукий тарифбот гурухларини шакллантириш ва тасдиқлаш;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқламаси хамда ўкув-услубий, илмий-тадқикот, ташкилий ва “устоз-шоғирд” ишларини белгилаш коидаларини тасдиқлаш түргисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 октябрда №3076 кайд раками билан давлат рўйхатидан ўтказилган) 20-2018-сон буйргу кабул килинганинг мажудиёти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича худудий ва махаллалар ва бошка жамоаларда манзилли ва предметли хукукий тарифбот тадбирларини ташкил килиш.</p>	<p>1. Худудий ва республика тарифбот гурухлари шакллантириш.</p> <p>2. Худудий ва республика гурухлари таркибини тасдиқлаш.</p> <p>3. Тарифбот гурухларини тарифбот материалари тўплами билан тъминлаш.</p> <p>4. Тарифбот тадбирининг Концепцияси, дастури ва календарь режасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.</p> <p>5. Манзилли ва предметли тарифбот тадбирларини ўтказиш</p>	<p>Бўйруқ кабул килингандан сунг 1 хафта ичida</p> <p>Тарифбот тадбирларини ўтказиш календарь режасига мувофиқ</p>	<p>Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги</p> <p>Ахборот хизмати,</p> <p>Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий-методик тадминлаш бош бошкармаси,</p> <p>тасарруфида олий таълим муассасалари мажjud бўлган вазирлик ва идоралар</p>
----	---	--	--	---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ**


2018 йил 8 октябрь

3076-сон

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг**

**«Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг
ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот ва «устоз-
шогирд» ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш
тўғрисида»ги**

БУЙРУГИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ**

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси
ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
қоидаларини тасдиқлаш түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим түғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури түғрисида”ги қонунларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси түғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ва 2018 йил 5 июнданги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги қарорларига мувофиқ, шунингдек профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режасини тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида буюраман:

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2015 йил 9 сентябрдаги 5-2015-сон “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юкламасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш түғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2720, 2015 йил 19 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 42-сон, 540-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. Маджидов

Тошкент

2014 йил “10”

жана
20-сон



Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг
2018 йил 10 сентябрдаги
20-2018-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси
ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш
КОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидаларини белгилайди.

Мазкур Қоидалар Тошкент давлат юридик университети, ҳарбий олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган халқаро ва хорижий олий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби (бундан буён матнда профессор-ўқитувчилар деб юритилади) меҳнатини нормалаштириш ҳар ўкув йили учун профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудири томонидан тузиладиган ҳамда проректорлар билан келишилган ҳолда ўкув ишлари бўйича проректор (факультет декани) томонидан тасдиқланадиган ўкув йили бўйича шахсий иш режаларига асосланади.

2. Профессор-ўқитувчиларнинг ўкув йили бўйича шахсий иш режаси таркибига ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларининг турлари киритилади. Иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг ўкув йили бўйича шахсий иш режаларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши керак. Жорий ўкув йили якунида факат мазкур ўкув йили давомида амалга оширилган ишлар ҳисобга олинади.

Ўкув йили давомида бажарилган қўшимча иш турлари профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режаларига киритиб борилиши мумкин.

3. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси таркибига киритиладиган ўкув юкламаси ҳамда ўкув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлари:

тўлиқ штатда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

тўлиқ штатда бўлмаган ва ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар учун уларнинг ставкаларига мувофиқ тарзда профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида;

шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг ўкув юкламаси ушбу Қоидаларга мувофиқ шакллантирилади.



4. Профессор-ўқитувчиларнинг ўкув йили бўйича шахсий иш режасининг бажарилиши мунтазам равища кафедра мудири, ҳар семестр якунида факультет декани, декан ўринбосарлари, факультет тузилмаси бўлмаган олий таълим муассасаларида ўкув бўлими (ўкув-услубий бошқарма) ва тегишли йўналишлар бўйича проректорлар томонидан назорат қилиб борилади.

2-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўкув юкламасини ҳисоблаш

5. Профессор-ўқитувчиларнинг (маданият ва санъат йўналишлари ўкув машғулотларида иштирок этадиган концертмейстерларнинг) ўкув йили бўйича шахсий иш режасига киритилган, унинг асосий қисми бўлган ўкув юкламасининг соатлардаги ҳажми мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўкув юкламаси ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларида белгиланган иш турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида ҳисобланади.

Профессор-ўқитувчиларнинг эгаллаб турган лавозимлари бўйича ўкув юкламаси ҳажми факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тасдиқланади.

6. Ўкув юкламаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми олий таълим муассасасининг штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талabalар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса харажатлар сметаси бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартағи 133-сон қарори билан тасдиқланган Ижодий таътиллар бериш тартиби ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларга мувофиқ олиб борилаётган илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида профессор-ўқитувчиларнинг ўкув ишлари юкламаси ҳажми кафедра йигилишининг таклифига асосан олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзgartирилиши мумкин. Бунда профессор-ўқитувчиларнинг тегишли ўкув юкламасининг муайян қисми кафедранинг бошқа профессор-ўқитувчиларининг ўкув юкламасига қўшимча равища тақсимланади.

8. Маъруза машғулотлари илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда ёки профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда) олий таълим муассасаси Кенгашининг қарорига асосан камида 3 йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган, бирор илмий унвон ва илмий даражаси бўлмаган ўқитувчиларга бир ўкув йилида 250 соатгача ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга рухсат берилади.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўкув (маъруза, амалий (якка), семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Кафедрага соҳанинг етакчи мутахассислари (академиклар ва профессорлар) жалб этилганда, ушбу ўкув соатлари ҳажмига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига мувофиқ ўзgartириш киритиш мумкин.

3-боб. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш

9. Профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлари бўйича соатлар ҳажми ҳисобланмайдиган иш турлари мазкур Қоидаларнинг 2-илювасида назарда тутилган Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлари турларидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида белгиланади.

10. Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлари ҳажми мазкур иш турларини бажариш заруриятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчиларнинг лавозимларига қўйилган малака талаблари асосида факультет декани (кафедра мудири)нинг таклифига мувофиқ олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талабаларда чуқур назарий билим, амалий ва касбий кўнималарни шакллантириш, илм-фанга бўлган қизиқишини уйғотиш, уларга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлашни назарда тутган ҳолда кафедра мудири ўқитишини илғор педагогик ва компьютер технологиялари, янги авлод ўқув адабиётлари асосида ташкил этиш ҳамда ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишлар бўйича аниқ топширикларни белгилайди.

4-боб. Якуний қоида

12. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Давлат солик қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Навоий кон-металлургия комбинати Давлат корхонаси билан келишилган.

Давлат тест марказының мүшкіншілігі

М. Каримов


2014 йил 5 сентябрь



✓ Халқ таълими вазири

Ш.Шерматов

2014 йил 5 сентябрь



Таълим сифатини назорат
қилиш давлат инспекция
бошлиғи

У.Ташкенбаев

2014 йил 5 сентябрь



✓ Соғлиқни сақлаш вазири

А.Шадманов

2014 йил 5 сентябрь



Иқтисодиёт вазири

Б.Хұжаев

2014 йил 5 сентябрь



✓ Молия вазири

Д.Кучкаров

2014 йил 5 сентябрь

Джемір

✓ Ташқи ишлар вазири

А. Камилов

2014 йил 5 сентябрь



VIA
AAT
KAZI

Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири



А. Ахмедхаджаев

2014 йил 5 сентябрь

Маданият вазири

[Signature]

Б. Сайфуллаев

2014 йил 5 сентябрь

Жисмоний тарбия ва спорт
вазири



Ш. Исроилов

2014 йил 5 сентябрь


Курилиш вазири



А. Тўхтаев

2014 йил 5 сентябрь

“Ўзбекистон темир йўллари”
АЖ раиси



О. Раматов

2014 йил 5 сентябрь

Автомобиль йўллари давлат
қўмитаси раиси



А. Абдувалиев

2014 йил 5 сентябрь

SIA
T
DAN
LDI
[Redacted]

“Навоий кон-металлургия
комбинати” Давлат корхонаси
Бош директори



К. Санакулов

2014 йил 5 сентябрь



А. Нуриддинов

2014 йил 5 сентябрь



Давлат солидиган маданият институти

2014 йил

80 Жумар

БАЛЫК

Олий таълим мұассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси жәмғини хисоблашыннан вакт мезерлары
Олий таълим мұассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси жәмғини хисоблашыннан вакт мезерлары
бесиубий, илмий-тәдикот ва “устоз-шогирд” ишларини
белгілаш коидапарига
1-ИЛОВА

Олий таълим мұассасаси профессор-ўқитувчиларининг ўқув юкламаси жәмғини хисоблашыннан вакт мезерлары

T/p	Иш турлари	Иш турлари үчүн ажратылган вакт мөшер	Иш турларының бажарылғанлығын анықлаш
1.	Ўқув (мағруза, семинар, ва лаборатория)	Амалий, якка бір академик соат үчүн – 1 соат Машғулоттарни ўтказиш.	Ўқув машғулотлари ўқув режага мұвоғык бир академик соатдан (45 минут) ёки танағұссиз иккى академик соатдан (80 минут) ўтказылады. Бунда: амалий ва семинар машғулотлари талабалар сони, одатда, 25 нафарғача талаба бүлгандар академик гурухларда; мағруза машғулотлари, одатда, 100 нафардан ошмаган бирлашған академик гурухларда (поток), тибиёт олий таълим мұассасаларыда клиник кафедраларда пикпә кептән гурухларда (поток); лаборатория машғулотлари ва чет (рус) тилини ўқитиш, чизма геометрия ва мұхандислик графикаси фанидан амалий машғулотлар, тибиёт олий таълим мұассасаларыда тиббий-биологияк, клиникағача бүлгандар гигиеник фанлар (тибиёт олий таълим мұассасалари учун) ўқитиш, ноғиологияк йүнәлиштердә фанни чет тилида ўқитиш, одатда, 12 – 15 нафарғача талаба бүлгандар гурухларда; маданият, саньыт ва спорт йұналишларыда якса гарнеболға машғулоттар, одатда, 1 – 10 нафарғача, ансамбль машғулоттарда 2 – 12 нафарғача талаба бүлгандар гурухларда; тибиёт олий таълим мұассасаларыда клиник фанларни ўқитиш, одатда, 5 – 10 нафарғача талаба бүлгандар гурухларда ўтказылады. Ўқув машғулоттарининг ўтказылғанлығы гурух журналида кайд-этилады. Тибиёт олий таълим мұассасалари учун ўқув машғулоттарининг ўтказылғанлығы ўқув журналида кайд-этилады.
2.	Якуний давлат аттестациясы белгиланған фанлардан	Битта фанға (битта поток учун) – 6 соат	Умумлаштырылған мәрзузалар ва маслахатларнинг ўтказылышы якуний давлат аттестациясини ўтказыши жадвалида кайд

	умумлашган маърузалар ва маслаҳатлар ўтказиш		этгилади.
3.	Курс ишлари ва курс лойихаларига раҳбарлик килиш, улар бўйича маслаҳатлар бериш.	бир курс иши учун – 2 соат; бир курс лойихаси учун – 3 соат.	<p>Бир профессор-ўқитувчи бир семестр давомидা, одатда, 50 нафаргача талабага (кўпли билан 1-2 та академ гурух талабаларига) курс иши (лоийхаси) берини мумкин.</p> <p>Тиббёт олий таълим муассасалари учун ўкув режада кўрсатилиган фанлар бўйича ўтказилади.</p>
4.	Курс иши (курс лойихаси) химоясини ўтказиш.	бир курс иши химояси учун – 0,4 соат; бир курс лойихаси химояси учун – 0,6 соат. Бунда профессор-ўқитувчининг бир кунлик иш соати ҳажми 8 соатдан ошмаслиги лозим.	<p>Курс иши (лоийхаси) химоясида камида 2 нафар профессор-ўқитувчик иштирок этади. Жами соатлар химояда иштирок этган профессор-ўқитувчилар сонига бўлинади. Улар ўтрасида тенг таҳсилланади.</p> <p>Профессор-ўқитувчининг курс или (лоийхаси) химоясини ўтказишда иштирок этиши тегиши кайдномаларда акс эттирилади.</p> <p>Бир поток (академ гурух)да ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг хар бир аъзоси (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га 3 соатдан берилади.</p> <p>Оғзаки шаклда ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовиляри жами соати унда иштирок этган комиссиянинг хар бир аъзосига берилади.</p> <p>Ёзма иш шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовилярининг жами соати ёзма ишни текшириша иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади хамда тест шаклида ўтказиларига тенг таҳсилланади.</p> <p>Тест шаклида ўтказилган якуний давлат аттестацияси синовиляри жами соати унда иштирок этган комиссиянинг хар бир аъзосига берилади.</p> <p>Тиббёт олий таълим муассасаларида интегралашган имтихон ва беморда ўтказилган юлиник имтихон бўйича бир нафар талаба учун – 0,5 соат (интегралашган аттестация учун).</p> <p>Якуний давлат аттестация комиссияси раисига комиссиянинг битта аъзоси учун бериладиган жами соатга кўшимча равишда 20% кўшилади.</p> <p>Комиссия аъзоларига бериладиган бир кунлик ўкув юкламаси жамми 8 соатдан ошмаслиги лозим.</p>
5.	давлат аттестациясини ўтказиш.	Якуний аттестацияни ўтказиш.	<p>Якуний давлат аттестацияси юзини тегишини бўйруқ ва кайдномаларда акс эттирилади.</p> <p>Якуний давлат аттестацияси комиссияни таркибини олдиндан аниқлаш имконияти бўлмаган такдирда, комиссия аъзолари (кузатувчи профессор-ўқитувчи)га комиссия ўз ишини тутатгандан сўнг, соатбай ҳак тўланади.</p>

		Бунда ушбу соатбай иш түри профессор-ўқитувчанинг йиллик шахсий иш режасига кирилмайди.
6.	Намунавий дастурларида кўзда тутилган назорат, хисоблаш ва хисобграфик ишларни текшириш, маслаҳатлар бериш, такриз ёзиш ва кабул килиш. Тиббиёт олий таълим клиник муассасаларида фанларни ўқитишда ишчи ўкув дастурларида кўзда тутилган касалик тарихлари ва байнномаларини текшириш, маслаҳаглар бериш ва кабул килиш.	Бир профессор-ўқитувчига кафедра карорига асосан кўпич билан 3 тагача академик гурух талабалари бириткирилади. Тиббиёт олий таълим муассасаларида касалик тарихи текшириш кафедрада бир йил давомида сакланади. Мазкур ишларниң бажарилishi талабаларни баҳолаш журнапларида акс эттирилади.
7.	Оралиқ ва якуний бахолашларни шунингдек колдирган (ўзлаштиримаган) дарсларни талабанинг топширишини кабул килиши, кайта топширишини кабул килиша хар бир талаба учун – 0,3 соат. Дарсларни топширишини кабул килиши.	Семестр давомида бигта фандан кўпи билан 2 тагача оралиқ баҳолаш ўтказилади. Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва жамми (умумий аудитория соати) семестр давомида хафтасига тўлиқ 2 академик соатдан (тиббиёт олий таълим муассасаларида 4 академик соатдан) кам бўлган фандардан оралиқ баҳолаш ўтказилмайди. Оралиқ ва якуний баҳолашлар ўтказилиши тегишли жадвалиларда акс эттирилади. Ёзма ишлар нигижлари эълон килингандан сўнг 6 ой давомида сакланади. Бахолашлар жадвали (графики) семестр бошланган муддатда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан эълон килинади. Дарсларни кайта топшириш тегишли журнал ёки кайдномаларда акс эттирилади.
8.	Бакалавриат йўналиши амалиётига раҳбарлик килиш, Уларнинг текшириш ва баҳолаш.	Малакавий амалиётига ўтаётган хар бир талаба учун бир иш кунига – 0,5 соат. Бунда: ўкув амалиётига раҳбарлик килиш 1 академик гурух учун бир иш кунига – 6 соат, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётига олий таълим муассасаси бўйруги, талабанинг амалиёт

		рахбарлик килиш: агар ишлаб чикириш ва педагогик амалиёт ўталаётгандан ташкилот олий таълим мұассасасын күнінде 1 академ гурух учун – 3 соат; агар ишлаб чикириш ва педагогик амалиёт ўталаётгандан ташкилот олий таълим мұассасаси жойнашған худуд доирасыда бўлмаса, амалиётга рахбарлик килиш бир иш күнига – 6 соат. Индивидуал холда ўтказиладиган амалиётларда бутун амалиёт даврига бир талаба учун – 2 соат.	кундалини ва амалиёт учун баҳо қўйилган тегишли кайдномалар асосида аникланади.
9.	Бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг битирув малакавий ишига (диплом лойихаси, диплом иши) рахбарлик килиш, хулосалар ёзиш.	Бир ўкув йилига битта профессор-ўқитувчига 7 нафаргача талаба бириттирилади. Профессор-ўқитувчининг битирув малакавий ишига (диплом лойихаси, диплом иши) раҳбарлик килиганилиги, хулосалар ёзганлиги олий таълим мұассасаси бўйрги, ёзилган хулоса ва ишнинг химояга тақдим этилганилиги асосида аникланади.	Аъзоларнинг якуний давлат атtestацияси комиссиясидаги иштироки олий таълим мұассасаси бўйрги хамда химоя натижалари тўғрисидаги кайдномалар асосида аникланади. Жами соат якуний давлат атtestацияси комиссиясида иштирок этган хар бир аъзога берилади.
10.	Талабаларнинг малакавий иши (диплом лойихаси, диплом иши, магистрлик диссертацияси) химояси бўйича якуний давлат атtestацияси комиссиясида иштирок этини.	Бир ЯДАК йигитлишида 4 тагача магистрлик диссертацияси, 8 тагача БМИИ химоясига рухсат берилади. Якуний давлат атtestацияси комиссияси таркибини оидиндан аникланаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сунг, соатбай ҳак тўланади.	Соатбай иш тури профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
11.	Магистратура талабаларининг педагогик ва амалиётига килиш. Тиббиёт олий таълим мұассасалари учун клиник	Бир ўкув йилига битта талаба учун – 50 соат. Бир ўкув йилига битта клиник ординатор учун – 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача таъбанинг илмий педагогик фаолияти ва амалиётига раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Профессор, фан доктори, доцент, фан номзоди ва мутахассис 4 нафаргача клиник ординаторнинг ўкув ва клиник амалиётига раҳбарликни амалга ошириши

	ординаторларнинг ва клиник рахбарлик килиш.	ўкув амалиётiga	мумкин. Талабанинг илмий педагогик фаолиятига раҳбарлик килганлик талабанинг календарь иш режасидаги топширикларни бажариши билан аникланади. Амалиётига рахбарлик килганлик олий таълим мұассасасининг амалиёт ўташ бүйича буйруғи, талабанинг амалиёт кундалиги ва амалиёт учун баҳо күйилган тегишлери кайномалар асосида аникланади.
12.	Магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси ва илмий-тадқиқот ишига рахбарлик (илмий маслаҳатчилик) килиш.	бир ўкув йилинга битта талаба учун – 50 соат.	Профессор ёки фан доктори 5 нафаргача, доцент, фан номзоди ва мутахассис 3 нафаргача талабанинг магистрлик диссертацияси ва стажировкасига (илмий маслаҳатчилик) рахбарликин амалга ошириши мүмкін. Мәзкур иш турининг бажарилғанлиги олий таълим мұассасаси бүйруги, талабанинг календарь иш режаси ва магистрлик диссертациясининг химояга тақдим этилгани асосида аникланали.
13.	Бакалавриат йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни, шунингдек ва клиник ординатура мутахассисликлари жараёнида кириш синовларини комиссиясида, докторант (PhD), ва Мустақил танлови ва Малака ишигирок этиши.	таддим ёзма иш шаклида ўтказилганда бир поток (abituriyentlar гурухи) учун – 3 соат; орзаки шаклда ўтказилганда, биттаabituriyent учун – 0,3 соат; тест шаклида ўтказилганда, бир поток (abituriyentlar гурухи) учун – 1 соат; хар бир ёзма иш (ижодий иш)ни текшириш учун – 0,3 соат. Профессор-ўқитувчига бериладиган кунилк ўкув ишлари юкламаси хажми 8 соатдан описмаслиги лозим.	Бир поток (abituriyentlar гурухи)да ёзма ишни ўтказиш жараёнида иширик этган хар бир профессор-ўқитувчига 3 соатдан берилади. Ёзма иш шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати ёзма ишни текширишда иширик этган комиссия аъзолари сонига тенг бўлинади хамда улар ўргасида тенг таксимланади. Оғзаки (тест) шаклида ўтказилган имтиҳон ва синовларнинг жами соати унда иширик этган комиссиянинг хар бир аъзосига берилади. Қабул имтиҳонлари ва синовларида иширик этганлик олий таълим мұассасасининг тегишлери бўйруги ва тегишли кайномалар асосида аникланади. Комиссия аъзолари таркибини олдиндан аниклаш имконияти бўлмаган тақдирда, комиссия аъзоларига комиссия ўз ишини тугатгандан сўнг, соатбай хак тўланади. Соатбай иш турни профессор-ўқитувчининг йиллик шахсий иш режасига киритилмайди.
14.	Олий ва Муассасасидаги ва Мустақил изланувчига	таълим докторант изланувчига	Фан доктори, профессор ва фан номзоди, доцент ўзи ишлаётган олий таълим мұассасасида 3 нафаргача докторант ва мустақил изланувчига илмий маслаҳатчилик килиши

		ильтмий маслахатчылк кишиш.	йилида – 50 соат.	мумкин. Илмий маслахатчы бўлганлик олий таълим муассасасининг тегишли буйуруги, докторант ва мустакил изланувчининг якка тартибдаги иш режаси бажарилиши асосида аниқланади.
15.	Очиқ, интеграциялашган маърузалар ва мастер-классларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш.	Очиқ, муаммоли, интеграциялашган маърузалар ва мастер-класс, йилида кўли билан – 30 соат.	бир академик соат очик лекция ва мастер-класс учун – 5 соат; очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза учун бир ўкув йилида кўли билан – 30 соат.	Очиқ таълим муассасаларида ўтказилган очик, муаммоли, интеграциялашган маъруза ва мастер-класслар тегишини режалар ва уларнинг ўтказилганини тасдиқловчи ўжжагтлар асосида аниқланади.
16.	Кайта тайёрлап ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун – хафтасига 36 соатдан.	Кайта тайёрлап ва малака ошириш курсларида ўқиганлик учун – хафтасига 36 соатдан.	Кайта тайёрлап ва малака ошириш курсларида ўқиганликни тасдиқловчи хужжат асосида аниқланади.	
17	Сиртки талабаларининг ишларига такриз ёзиш.	бўлим назорат сурхатга 0,25 соат, бир фанга бир семестрга 1,5 соат;	1 назорат ишига 0,75 соат; назорат иши бўйича назорат ишига 0,25 соат, бир фанга бир семестрга 1,5 соат;	Назорат ишлари (графики) семестр бошланган муддагда талабаларга профессор-ўқитувчи томонидан килинади.

Олий таълим мұассасаси профессор-ўқытувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тәдқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш кондадарига
2-ИЛОВА

Олий таълим мұассасаси профессор-ўқытувчиларининг ўқув-услубий, илмий-тәдқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини турлари

t/p	Иш турлари	Иш турларини амалға ошириш механизми (профессор-ўқытувчининг шахсий иш режасыда қайд етілгенде тәдбирлар)	Иш турларининг бажарылғанлығыни аникландаш
I. Ўқув-услубий ишлар			
1.	Яңғы маъруза матнлари, машқ (масалалар) түплами, лаборатория, ижодий ишлери бүйіча услугбий күлланмаларни ишлаб чикиш, ёзиш ва нашр этиш.	Яңғы маъруза матнлари, машқ (масалалар) түплами, лаборатория, ижодий ишлар бүйіча услугбий күлланмалар яратыш.	Олий таълим мұассасаси (факультет) ўқув-услубий (илмий) көнгашы карори билан нашр этишга тавсия этилған ишләнмелар асосида аникланади.
2.	Тарқатма ўқув материаллари, электрон ўқув дастурлар ва видео машгүлолтар (фан шуннингдек доирасыда), тегишли компютер фойдаланғанда, дастурлардан фойдаланғанда, холда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; холда тақдимот слайдлари, дастурларини тайёрлаш (яратыш).	Яңғы таҳрирдаги материалларни тайёрлаш; компютер дастурларидан фойдаланғанда тақдимот слайдлари, ўқитиш дастурларини тайёрлаш; электрон ўқув дастурлар ва видеодаршлаглар фан доирасыда яратип.	Олий таълим мұассасасида жорий ўқув йилида күлланылған материалдар (дастурлар) асосида аникланади.
3.	Дарслік, ўқув күлланмалар ёзишінде, тайёрлаш.	Дарслік ва ўқув күлланмаларни ёзиш ва нашрға тайёрлаш.	Олий таълим мұассасаси (факультет) ўқув-услубий (илмий) көнгашы карори билан нашр этишга тавсия этилған дарслік ва ўқув күлланма асосида аникланади.
4.	Дарслік, ўқув күлланмаларни тегишли үзгартырыш ва күшімчалар киритиш ва нашрға тайёрлаш.	Дарслік ва ўқув күлланмаларга тегишли үзгартырыш ва күшімчалар киритиш ва нашрға тайёрлаш.	Олий таълим мұассасаси (факультет) ўқув-услубий (илмий) көнгашы карори билан нашр этишга тавсия этилған дарслік ва ўқув күлланма асосида аникланади.

5.	Услубий күлланма (кўрсатма, рисола)дар тайёрлаш ва нацр этиш.	Таълимга тегиши бўлган Услубий кўлланма (кўрсатма, рисола)лар тайёрлаш ва нашр этиш.	Олий таълим муассасаси (факультет) Ўқув-услубий (илмий) кенгашни карори билан нашр этишига тавсия этилган услугубий кўлланмана (кўрсатма, рисола) асосида аникланади.
6.	Фанинг ўқув-услубий мажмусини ишлаб чикиш ва модуль панкасини яратиш.	Фанинг ўқув-услубий мажмусини яратиш.	Ўқув жараёнида кўлланилган ишлар асосида аникланади.
7.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Мавжуд лаборатория ишини янгилаш.	Кафедра йигилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услугубий кўрсатмалар асосида аникланади.
8.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий шунингдек виртуал лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Янги лаборатория ишини тайёрлаш ва жорий этиш.	Кафедра йигилиши баённомаси ва лаборатория иши бўйича жорий ўқув йилида тайёрланган янги услугубий кўрсатмалар асосида аникланади.
9.	Бакалаврият таълим йўналиши (магистратура, клиник ординатура мутахассислиги)	Малака талаби, ўқув режа, ва ўқув дастурини ишлаб чикиш.	Жорий ўқув йили учун тасдиқланган малака талаби, намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида аникланади.
10.	Ишчи ўқув режа, фан бўйича ишлаб чикиш	Ишчи ўқув режа ва фан бўйича ишчи ўқув дастурини ишлаб чикиш	Кафедра йигилиши баённомаси ва кафедрала мавжуд бўйланган жорий ўқув йилида тайёрланган ишчи ўқув режа ва дастурлар асосида аникланади.
11.	Дарслик, ўқув кўлланмалар ва бошка материаларни таржима килиш.	Дарслик, ўқув кўлланмана ва фан доирасида бошка материаларни таржима килиш.	Олий таълим муассасасининг тегиши бўйруғи, ўқув-услубий (илмий) кенгашни карори билан жорий ўқув йилида тайёрланган таржима материаллари асосида аникланади.
12.	Фанлар бўйича назорат саволлари (тест, масалалар ва бошка), оралик ва якуний бахолашшар топширикларни ишлаб чикиш.	Оралик ва якуний бахолашшар учун назорат саволлари (тест, масалалар ва бошка), тоғнирикларни ишлаб чикиш.	Ишлаб чикилган хамда кафедра баённомаси билан жорий этилган топшириклар тўплами асосида аникланади.
13.	Илмий макола, тезис тайёрлаш ва нашр этиш, ихтиро (патент), иммий журналларда илмий маколалар чол этиш.	Хорижий ва махаллий (OAK рўйхатидаги) иммий журналларда илмий маколалар чол этиш,	Жорий ўқув йилида тайёрланган ва нашр этилган ишлар асосида аникланади.

	дастурый воситалар яратиш	ихтиро (патент) олиш, тезислар нашр этиши. Хар бир илмий макола, ихтиро ва тезислари хисобга олинади.
14.	Монография ва рисола нашр этиши, ахборот таҳдидий материаллар ижодий ишлар яратиш	Жорий ўкув йилида нашр этилган (тайёрланган) ишлар асосида аникланади.
15.	Шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини шахсий (тематик) ижодий асарлар каталогини нашр этиши, янги лойихалар яратиш	Жорий ўкув йилида нашр этилган (яратилган) ишлар асосида аникланади.
16.	Дарслик, монография, рисола ва ўкув кўлланма, монография мухаррирлик килиш	Дарслик, монография ва ўкув кўлланма хамда рисолаларнинг жорий ўкув йилида нашр этилганти асосида аникланади.
17.	Олий таълим муассасаси кенгашни томонидан тасдиқланган мавзу бўйича ишларни ишларни бажарини бажарини.	Ўкув йили давомида мавзу бўйича амалга оширилган тегишли илмий-тадқикот ишлари асосида аникланади. Хўжалик шартномалари доирасида тайёрланган ва давлат илмий-техник дастурларига мувофик тадқикот лойихалари бўйича бажарилган ишларни бажарилади.
18.	Дарслик, ўкув кўлланма, монография, рисола, илмий диссертация, автореферат ва бошқа ишларни тақриз ёзиш.	Дарслик, ўкув кўлланма, монография, диссертация, автореферат ёки рисола, илмий макола, ва бошқа ишларни тақриз ёзиш.
19.	Фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DS) даражасини олиш учун диссертацияни тайёрлабланлиги.	Фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DS) химоя килганлик тўғрисидаги Илмий кенгаш баённомаси асосида аникланади.
20.	Илмий таҳририятига аззо бўлиш.	Таҳабаларнинг илмий-илмий-ижодий ишларни тайёрлабланади.
21.	Таҳабаларнинг илмий-ижодий ишларни тайёрлабланади.	Галабаларнинг илмий-тадқикот ва илмий-ижодий ишларни тайёрлабланади.
22.	Тўғаракларнинг фан ва илмий раҳбарлик килиш.	Галабаларнинг фан ва илмий тўғаракларни тайёрлабланади.

23.	Илмий ёки услугубий семинарлар ташкил этиш.	Илмий ёки услугубий конференция ва семинарлар ташкил этигиланлиги.	Илмий ёки услугубий конференция ва семинарларниң ўтказилганлигини тасдиқловчи маълумотгар.
24.	Илмий ёки услугубий кенгашларда иштироки.	Илмий ёки услугубий кенгашларда аъзо бўлганилигини бўлганилиги.	Илмий ёки услугубий кенгашларда аъзо бўлганилиги тасдиқлочи маълумотлар.
25.	Талаба олий таълим мұассасасига ўқишига кабул килинганда янги шароитта адаптация жараёнини ўташга ва олий таълим мұассасасида бўлган чорида вактини тўғри таҳсиллашга ёрдам бериш.	Талабалар олий таълим мұассасасига кабул килинганда улар билан танишиш талабаларни шахсий хужжаглари жилдини шакллантириш ва янгилаб бориш. Ўқишига кабул килинган талабаларни олий таълим мұассасаси ва унда мавжуд шароитлар билан таништириш. Талабаларни бўш вактларни мазмунни ўтказиш бўйича иш режасини ишлаб чиқиши ва доимий назоратга олиш.	Талабаларни шахсий ва Етук фан арболари, академиклар, иктидорли талабалар хамда иш берувчи ташкилотлар вакиллари билан талабаларни шахсий ривожлантиришга ва академик ютуқларини ривожлантиришга карагилган учрашувларни ўтказиб бориш.
26.	Галабанинг академик ривожлантириш учрашувлар ўтказиш	Галабалар таълим музмокатларни ўзлаштириши даражаси оркали маълумотлар бериш. Уларга каердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эжанигини тушунириш ва амалий ёрдам бериш.	Учрашувларни тасдиқловчи хужжаглар (баёни, видео ёки фото лавхалари) асосида аникланади.
27.	Галабалар баҳолаш тизими кандай олиб борилишини кай даражада англатанини ва каердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эжанигини назорат килиш	Галабаларга баҳолаш тизими бўйича мавжудлар бериш. Уларга каердан таълим ва академик соҳада ёрдам олиши мумкин эжанигини тушунириш ва амалий ёрдам бериш.	Галабаларни фанлардан ўзлаштириши даражаси оркали аникланади.
28.	Ўқиши жараённан шахсий ва академик муаммолар юзага келгандан ва улар таълим олиш даражасига таъсир кўрсагеса, уларни хал килишда кўмаклашиш.	Гурӯҳдаги талабаларни фанлардан ўзлаштириши ва бошқа фаолиятлари анализи натижасида белгиланади.	Гурӯҳдаги талабаларни фанлардан ўзлаштириши ва олиб бориш хамда мавжуд муаммоларини хал килиш чораларини кўриш.
29.	Академик ёки касбий танлов килинча тавсиялар бериш	Талабаларга академик ёки касбий танлани ташвишларни ўзлаштириши ва дарс берувчи профессор-ўқитувчи билан мазкур масалани мухокама килиб бориш.	Талабаларни тасдиқловчи хужжаглар (баёни, видео ёки фото лавхалари) асосида аникланади.

		маслахатлар беріб, уларни кирикшіл астаклар асосида үгүрі йүнәтиришини таьминлаш.	ва истаклор хакида маълумотга эта бўлганилиги орқали аниқланади.	
30.	Маъруза кайтариш таждим	материаларни ва мисолларни этган холда уларни ёритиш.	Ўзлаштиришдан орқада колган талабалар билан дарсдан бўш вактларда график асосида ишлаш.	Ташкилӣ графикнинг мавжудлиги. Талабаларнинг ўзлаштириш дарражаси орқали белгиланади.
31.	Талабаларнинг материяларидан баҳолари ва билимлари квалификацион таъсиригининг хакида	мутахассислик ва танлов фанларидан олган даражаси хамда малакали кадр бўлиб етишини ўзлаштирган уларнинг даражаларига муҳимлиги тушунчани шакиллантириш.	Ўкув режасидаги фанларнинг муҳимлилик даражаси хакида малакали кадр бўлиб етишини учун зарурлиги хакида тушунгчагар бериш. Иш берувчи ташкилот ва корхоналар томонидан битирувчиларга кўйиладиган талаблар билан доимий танингтириб бориш.	Битирувчиларнинг касбга тайёргарлик холати.
32.	Бошқа талаба хакида олиши.	талаба уշбу хамда маълумот олиши.	талабанинг фаолиятини бошқа талаба ва ўқитувчилар орқали доимий билиб бориш ташкилотлар асосида ушбу талаба билан ишлаш.	Талабани олий таълим муассасасидаги фаолияти бўйича маълумотларнинг мавжудлиги.
33.	Галабаларнинг билин ишлани.	ота-оналари	Ога-оналар билан мулокатга киришиши, улар билан талабанинг фаолиятини муҳокама килиш хамда ота-оналар олинган маълумотлар асосида ушбу талабалар билан ишланини танинлайди.	Талабаларнинг фаолиятини ота-оналар билан муҳокама килингандигини тасдиқловчи хужжатларни мавжудлиги.
34.	Янги бахс-мунозараларни этириш,	таклиф килиш, давом жумладан, ижтимоий баҳоларни муҳокама килип.	Факультет ва ОТМ кенгашларида хамда таълим жараёнинг бағишлилган семинарларда талабалар фаоллигидини оширишга каратилган таклифлар билан иштирок этгандиги.	Талабаларда янги фоярни шакилланганлиги, улар ўргасида бахс-мунозаралар асосида ўтказилган семинарлар ва давра сухбатларини тасдиқловчи хужжатларни мавжудлиги.
35.	Галабаларни таьминлаш ва бериш.	ахборот билан интервью амалга ошириш.	Талабаларга доимий ахборотлар берриб боради хамда ОАВларида чиқишлар килади.	Талабаларнинг янгиликлардан хабардорлиги ва ОАВларида чиқишлар килганлиги.
36.	Битирувчиларни жумладан, вактни килиш ва белгилантан амалга ошириш.	мониторинг музокараларни режага мувофиқ ва ташкилотларга ташрифини уюнтириш.	Битирувчиларни иш берувчи ташкилотлар билан доимий таништириб бориш, учрапчувлар ташкил этиши хамда талабаларни корхона	Битирувчиларнинг ишга жойлашиш курсаткичлари орқали белгиланади.
37.	Олий кириш учун ўкувчи ёшлар	таълим муассасаларига касбга йўнәтириш ишларини олиб бориш режалаштирилган тадбирлар номи ва муддати.	Олий таълим муассасаси (факультет) кенгани томонидан тасдиқлаган (режага киритилган) ишлар натижаси бўйича	

	Үртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.	хисоботлар асосида аникланади.
38.	Талабаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобакаларига тайёрлаш.	Бир профессор-ўқитувчига кўти билан 2 нафар талаба бириттирилади. Мазкур иш турининг бажарилиши жорий ўкув йилида талабанинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари, давлат стипендиялари, халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобакалари иштирокчиси бўлганлиги хамда унга профессор-ўқитувчининг бириттирилганлигини хужжатлар асосида аникланади.
39.	Спорт, маданий-маърифий ва ижодий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа ва бажарилган ишлар бўйича таклим этилган хисобот асосида аникланади.
40.	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида ишланмалари раҳбарлик килиш ва иштирокига раҳбарлик килиш	Талабаларнинг ижодий ишлари кўргазмаларида иштирокини кўргазмаларида аникланади.
41.	Ташкилотларда маърузалар килиш, оммавий ахборот воситаларида чикишлар чикиш (маъруза)лар килиш режалаштириш тадбирлар номи ва муддати. тарбибот ишларини аманга ошириш.	Олий таълим муассасасининг Маънавият ва маърифат бўлимида топширилган килингандиги, шу жумладан хуқукий тарбибот ишлари амалга оширилганлигини тасдикловчи хужжатлар (маълумотлар, видео тасвирлар ва бошқалар) асосида аникланади.